

**ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
ҲУҚУҚИЙ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Қаюмов Зоир Эргашевич
ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада жавобгарлик тушунчаси, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамияти, шунингдек, уни ислоҳ этиш механизмлари таҳлил қилинади. Муаллиф жавобгарликнинг турлари (жиноий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва интизомий) ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни очиқ беради. Замонавий ислоҳотлар жараёнида жавобгарлик институтларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли жазо чораларини белгилаш масалалари алоҳида ёритилган. Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил орқали жавобгарлик тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари таклиф этилган. Мақола ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фаолият юритувчи мутахассислар учун назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: жавобгарлик, процесс, суд тизими, адолатли судлов, миллий қонунчилик, халқаро тажриба, ҳуқуқий кафолатлар

Жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши ҳуқуқий асосларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳуқуқнинг асосий вазифаларидан бири – жавобгарлик тизими орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. Бироқ жавобгарлик институтлари доимо ривожланиб, ислоҳ этилиб бориши талаб этилади.

Жавобгарлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асосларига илмий жиҳатдан ёндашсак, биринчи навбатда жавобгарлик – қонун бузилиши натижасида юзага келадиган, шахснинг ҳуқуқий ва моддий оқибатларга дучор бўлишидир.

Унинг асосий турлари: жиноий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, моддий ва интизомий жавобгарлик киради. Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган умумий принциплар мавжуд бўлиб, бугунги кунда инсон тамойили ҳар нарсадан устун дейилган бир даврда жавобгарлик тизимини ислоҳ қилиш зарурати муҳимдир. Замонавий жамиятда глобаллашув ва рақамлашувнинг кучайиши натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш янги босқичага кўтарилган. Шу боис ҳам, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жавобгарлик институтларини қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи бўлиб, жавобгарлик ислоҳотларининг асосий йўналишлари ҳам диққатга сазовор. Декриминализация ва дифференциациялаш яъни, айрим ҳуқуқбузарликларни маъмурий жавобгарликка ўтказиш масаласи, жазо турларини гуманизация қилиш – озодликдан маҳрум қилишга алтернатива чораларни жорий этиш зарурати, реституция ва компенсация тизимини кучайтириш – жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклашни таъминлаш ҳам муҳимдир. Шунингдек,

рақамли ҳуқуқбузарликларга қарши кураш – кибержиноятчиликка оид нормаларни янгилаш ҳамда халқаро тажрибадан фойдаланиш – Европа ва Осиё давлатлари моделларини ҳам кўриб чиқиш зарурдир.

Зеро, шахсни жавобгарликдан озод қилиш меъёрий ҳужжатлар ва қоидалар ҳамда давлат органларининг, хусусан суд органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси билан билан фарқланади. Ҳар қандай юридик жавобгарликдан озод қилиш қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан амалга оширилади. Жавобгарликдан озод қилишнинг қонунчилик шакли мазкур институтни қўллаш имкониятини намоён қилади. Бошқа қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши натижасида у аниқлаштирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимномалар киритиш ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш киради.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асослари ва шартлари бевосита қонунда кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг махсус қисмининг қатор моддаларида жиноий жавобгарликдан озод қилиш нормалари белгилаб қўйилган. Аммо буларнинг барчаси процессуал тартибда расмийлаштириши керак. Кўп ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини амалда қўллаш факультатив бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан, агар шахс ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлса жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.¹

Жавобгарликдан озод қилишнинг императив асосида, жавобгарликдан озод қилишнинг махсус турлари қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII бобининг моддаларида баён этилган қоидалар мисол бўла олади.

Таснифлашнинг навбатдаги мезони юридик жавобгарликдан озод қилишни қўллайдиган субъект ҳисобланади. Бунда қонун чиқарувчи ҳокимият органи юридик жавобгарликдан озод қилишнинг қонунчилик асосларини ўрнатади. Жавобгарликдан озод қилиш жараёнида ижроия органлари (маъмурият, маъмурий комиссиялар) тегишли ваколатларни амалга оширади. Суд органлари жавобгарликдан озод қилишда муҳим ўрин тутати. Жавобгарликдан озод қилиш таснифлашнинг навбатдаги мезони юридик жавобгарликдан озод қилишнинг тўлиқ шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Юридик жавобгарликдан тўла ва қисман озод қилиш мумкин. Тўлиқ озод этишда ҳуқуқбузарга нисбатан давлат мажбурлов чоралари қўлланилмайди. Жавобгарликдан қисман озод қилишда ҳуқуқбузарни айблаш сақланади ва юридик жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий чекловлар камайтирилган ҳажмда қўлланилади. Шу билан бирга жавобгарликдан қисман озод

¹ Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

килинганди юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили бузилмайди ҳамда ҳуқуқбузар содир этган шахс ижтимоий жиҳатдан фойдали вазифани бажариши мумкин бўлади. Жавобгарликдан озод қилиш таснифлашининг тарихий босқичи маълум бир даврада содир бўлган ҳуқуқий ҳодисаларни, ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ жараёнларни ўзида акс эттиради.

Жавобгарликдан озод қилиш институти жамиятдаги ижтимоий ҳаётни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун жавобгарликдан озод қилишни тўлароқ тадқиқ этиш учун унинг функцияларини таҳлил этиш лозим. Жавобгарликдан озод қилиш – ҳуқуқий ҳодиса бўлгани учун юридик жавобгарликнинг умуммаълум бўлган, яъни жазоловчи, превентив, регулятив, тикловчи, тарбияловчи вазифалари ўзига хос равишда амалга ошади.

Юридик жавобгарликдан озод қилиш функциялари кўп қиррали ҳисобланади ва қуйидагиларда намоён бўлади. Хусусан инсонпарварлик функция айбдор шахсга нисбатан амнистия ёки авф этишни қўллашга йўналтирилган. Рағбатлантирувчи функция орқали ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга юридик жавобгарликка тортмаслик имконияти берилади. Бунинг натижасида субъектнинг ҳуқуқий ҳуқ-атвори рағбатлантирилади ва ҳуқуқбузарликни қайта содир этилишининг олди олинади.

Муҳофазаловчи функция янги шароитларда юридик жавобгарликнинг жазоловчи функциясининг ўзгарган, ривожланган тури сифатида намоён бўлади. У ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ифодалайди:

биринчидан, ҳуқуқбузарни – ҳуқуқ субъектларини улар содир этган ҳуқуқбузарлик учун, агарда ҳуқуқбузарнинг кўрсатилган оқибатларни бошдан кечириш мажбуриятини бартараф қиладиган объектив ва субъектив омиллар йиғиндиси мавжуд бўлган тақдирда, давлат мажбурий чораларини қўллаш оқибатида ноқулай оқибатлар келиб чиқишидан ҳимояланиш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни – ҳуқуқ субъектларини, «ҳамма нарсани кечириш» га ўтмаслик учун, жавобгарликдан озод қилиш асосларини суңий равишда кенгайтиришга йўл қўймаслик керак.

Ҳуқуқни таъминловчи функция қонунда мустаҳкамланган процессуал талабларни бажариш йўли билан юридик жавобгарликдан озод қилиш жараёнини кафолатлашни билдиради. Мазкур функция фақат жиноят қонунчилигида амалга оширилиши мумкин. Превентив функция ҳуқуқий муносабатларнинг тегишли соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашадиган юридик жавобгарликдан озод қилиш институти татбиқ этилишини белгилайди.

Ижтимоий назорат функцияси давлат ва жамиятни у ёки бу қилмишни сифат жиҳатидан баҳоланишини қайта кўриб чиқишга рағбатлантирувчи сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа шу каби фуқаролик жамияти институтларини жавобгарликни амалга ошириш жараёнига жалб этишга имкон беради. Юқорида

тилга олинган барча функцияларни юридик жавобгарлик доирасида тадқиқ этиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Превентив таъсир кўрсатиш натижаси жазоловчи таъсир кўрсатиш чораларини тўхтатиш учун асос сифатида қўлланилиши мумкин. Мазкур функцияларнинг ўзаро алоқадорлигининг бир жиҳати ушбуда намоён бўлади. Масалан, ҳуқуқбузарнинг хулқ-атвори, хусусан ҳуқуқни қўллаш жараёнида муносабати жазони ўташдан шартли равишда муддатдан олдин озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатдан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин.² Ваколатли орган юридик жазо таъсир кўрсатиш чорасининг қўллаш зарурияти йўқлиги тўғрисида хулоса чиқариши билан, жазоловчи функцияни амалга ошириш тўхтатилиб, қўриқловчи функция ўз фаолиятини бошлайди.

Ҳуқуқий хулқ-атвор нафақат жазо таъсир чорасини қўллашни тўхтатиши, шу билан бирга унинг пайдо бўлишини ҳам истисно қилиши мумкин. Кўплаб рағбатлантирувчи нормалар шунга йўналтирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан, Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Шунингдек ушбу кодекснинг 66¹-моддасида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартлари мустаҳкамланган.³ Бизнинг фикримизча, барча кўрсатилган ҳолатларда ҳуқуқий хулқ-атвор рағбатлантиришнинг асосларидан бири сифатида намоён бўлади. Бунинг оқибатида жазоловчи функция амалга оширилмайди, чунки юридик жавобгарликнинг хусусий превентив функцияси ўз самарасини беради.

Д.Липинский бундай ҳолатда превентив ва жазоловчи функцияларнинг ўзаро боғлиқлигини, шу билан бирга превентив функциянинг тикловчи функция билан ҳам боғлиқлигини кузатиш мумкинлигини, бу эса айниқса етказилган зарарни тиклаб берган субъектларни рағбатлантиришда намоён бўлишини таъкидлайди. Ҳуқуқбузарлик содир этилгандан сўнг жазонинг муқаррарлиги вужудга келади. Ҳуқуқбузар бир вақтнинг ўзида жазоловчи ва рағбатлантирувчи чоралар таъсири билан ҳуқуқий хулқ-атворга, бузилган ижтимоий муносабатларни тиклашга,

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

етказилган зарарни қоплашга, ўзининг ҳуқуққа хилоф фаолиятини тўхтатишга мажбур этилади⁴.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26-моддасида, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш қондаси белгиланган. Унга кўра, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказишнинг мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади.⁵ Мазкур норма тикловчи ва превентив (умумий ва хусусий) функцияларни бажаради. Ижобий усуллар билан шахсни ҳуқуқбузарликни содир этишдан воз кечишга ундайди, бу эса ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлик ҳолатини билдиради. Бунда қонунни ҳурмат қилиш, қонун талабларини тушуниб етиш айбланувчининг онгида пайдо бўлиши керак, худди шунда унинг умумий таъсири кучли намоён бўлади.

Шу нуқтаи-назардан юридик жавобгарликнинг функцияларини амалда қўллаш жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаракатида тартиб ўрнатишга, ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олишга, айбор деб топилган шахсларни қайта тарбиялаш кабиларга хизмат қилади ва маълум бир маънода ҳуқуқий ислохотларнинг амалша оширилишида ўз хиссасини қўшади.

Юридик жавобгарликдан озод қилиш нафақат илмий ижодкорликнинг, балки ижтимоий тараққиёт тенденцияларини башорат қила билишнинг натижаси ҳамдир. У ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқни яратиш ва ҳуқуқни қўллашнинг ягоналиги ва яхлитлиги асосида ҳуқуқий жавобгарлик чораларини татбиқ этиш заруриятини бартараф қилиш воситасида, ижтимоий-фойдали натижага эришиш мақсадида инсонпарварлик, кўриқловчи, рағбатлантирувчи, тикловчи, ҳуқуқни таъминловчи, превентив ҳамда тарбияловчи функцияларини амалга оширишнинг объектив эҳтиёжи натижасида вужудга келган.

Юридик жавобгарликдан озод қилиш институти фаолиятининг мақсадга эришиши аксарият ҳолларда ҳуқуқий тартиботнинг амал қилиши билан боғлиқ бўлади. Юридик тушунчалар хусусида С.Алексеев шундай дейди: “Ҳуқуқнинг ўз мазмуни, унинг ички шаклининг узвий элементини ифода этади ва бу элемент дастлабки пайтда тўғридан-тўғри равишда, ҳаётнинг ўзида амалиётда даврлаштириш жараёнида вужудга келади. Айнан унинг ўз мазмуни ёки тузилмаси унинг асосий белгиловчи элементи бошланғич ҳолатдан мустақил ўзига хос элементи сифатида янги мазмунга эга бўлиб, такомиллашиб боради»⁶. Юриспруденцияда тушунча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарликнинг ўзига хос қурилмасини ифода этади. Бу

⁴ Липинский Д.А. Проблемы юридической ответственности. Под ред. проф Р.Л.Хачатурова. СПб: Изд-во “Юрид. центр Пресс”, 2003. – С. 129.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

⁶ Алексеев С.С. Восхождения к праву. Поиски и решений. М.: 2001. – С. 280-281.

хусусда А.Черданцев тушунча деб, у томондан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқни билиш методи бўлиб хизмат қиладиган, ҳуқуқ билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар ёки алоҳида элементлар модели эканлигини тушуниш керак дейди.⁷ Юридик жавобгарлик соҳада асосан юридик шахслар ва фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликнинг молиявий ва иқтисодий жиҳатларида намоён бўлади ва етказилган моддий зарарни қоплаш мажбурияти билан боғлиқ бўлади.

Ушбу соҳада илмий тадқиқот олиб борган айрим МДХ мамлакатлари олимлари юридик жавобгарликдан озод этиш масаласи узоқ вақт давомида эътибордан четда қолиб келганлиги натижасида назария ва амалиётда муайян муаммоларни вужудга келтирганлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича мазкур йўналишда илмий-методологик, назарий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг тўлиқ такомиллашмаганлиги сабабли юридик жавобгарликнинг ушбу жиҳати ҳуқуқий тизимда фаол амал қила олмади. Натижада ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қуйидаги зиддиятлар вужудга келди:

1) қонунчиликда юридик жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида тартибга солинган институтининг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ амалга ошмаслиги (жиноят қонунчилиги соҳасидан ташқари);

2) тадқиқ этилаётган соҳа бўйича давлат ҳокимияти органларининг баҳамжихат фаолият кўрсатиши зарурлиги ва жазони индивидуаллаштириш бўйича қонуний равишда мустаҳкамланган процессуал меъёрларнинг йўқлиги;

4) шахс қилмишининг характери билан ҳуқуқбузарликнинг барча ҳолатларини ҳисобга олмайдиган жавобгарлик чоралари ўртасида;

5) ҳуқуқбузар шахс ва унинг ҳуқ-атворига таъсир этувчи турли-туман омиллар ҳамда уларнинг қилмишини баҳолаш ва жазони белгилаш жараёнида уни ҳисобга олиш;

6) қонунда мустаҳкамланган санкцияни қўллаш механизми ва ушбу чоралар ҳуқуқбузар шахсга суи самара билан таъсир этиши;

7) қонунда мустаҳкамланган юридик жавобгарлик чоралари ва ҳуқуқбузарликни содир этишга кўмаклашадиган кўп миқдордаги шарт-шароитлар;

8) жавобгарликни амалга ошириш билан қонунчиликда мустаҳкамланган ижро этиш ўртасида;

9) юридик жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти билан унинг мавжуд эмаслиги ўртасидаги зиддиятлар.⁸

Бугунги кунда юридик жавобгарликдан озод қилиш масаласи кўпроқ жиноят ҳуқуқи фанида чуқур ўрганилган ва таҳлил қилинган. Бунинг сабаби жиноят билан

⁷ Чердацев А.Ф. Проблемы юридической техники. Сборник статей/ Под ред.проф. В.М.Баранова. – Н.Новгород., 2000. – с 730.

⁸ Медведев С.В. Освобождение от юридической ответственности в Российском государстве (теоретические и практические аспекты). Автореф. дисс. к.ю.н. Нижний Новгород. 2005. – С.14.

боғлиқ ҳукукий ходисалар, ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинланиши ва унинг кечирилиши масалалари жиноят ҳуқуқининг ҳам назариясида ҳам амалиётда кўп ўрганилган. Умуман жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг унга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этиш институти қўлланилиши мумкин.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарияга кўра ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни давлат томонидан жазоланмаслигини (яъни жазо функциясидан воз кечиши) назарда тутати. Шу билан бирга жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти фақат жиноят кодексидаги нормалар орқали ифодаланилади ва унинг амал қилиши давлат органларининг ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллашни бекор қилиш билан қўлланилади.

Д.Қурбоновнинг⁹ фикрига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш асосларини 3та концептуал йўналиш доирасида қараш муҳим ҳисобланади, яъни: 1) жиноий жавобгарликдан озод этиш институтини амали қилиши фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг мажбурияти ва уларнинг ваколатига кириши; 2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ишини тугатиш тўғрисида қабул қилинадиган қарорни шартли ёки шартсиз равишда бекор қилиш ва лозимли бўлса ишни қайта тиклаш; 3) ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ҳуқ-атвори билан боғлиқ жараёнлар. Юридик адабиётларда жавобгарликка тортиш вақти ҳақидаги масала тўлалигича аниқланмаган. Жавобгарликни истисно қилиш жавобгарликдан озод қилиш шакллари ва босқичларидан бири бўла олмайди. Бунинг учун юридик жавобгарликка тортишни бошқа мажбурлов чораларини қўллашдан ажратиб турадиган чегарани аниқ белгилаб олиш зарур бўлади.

Юридик тушунча ва терминларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, жавобгарлик тушунчаси ҳуқуқбузарлик тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Юридик жавобгарликдан озод қилиш уч босқичда турли шаклда намоён бўлади. Ҳар бир босқичда юридик жавобгарликдан озод қилишга ўхшаш бўлган қуйидаги институтлар мувофиқ келади:

1) жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар, яъни ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлишига қарамасдан, шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини назарда тутиш;

2) жавобгарликдан озод қилиш (таъсир чораларини қўллаш ва унинг ўзгаришига олиб келадиган ҳолатлар);

⁹ D.Kurbonov. Some issues of improving the grounds for exemption from criminal liability. Жамият ва инновациялар –Общество и инновации –Society and innovations. Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. Received May 2021.

3) ҳуқуқбузарга нисбатан давлат мажбурлов чораларини қўллашни истисно этган ҳолда жазодан озод қилиш.¹⁰

Жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар жавобгарликдан озод этиш институтига яқин тушунча ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасига қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси белгиланган. Мазкур моддага кўра кам аҳамиятли қилмишлар, зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш, буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш, касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.¹¹

Жиноят ҳуқуқи фани вакиллариининг фикрича, жавобгарлик масаласи фақат содир этилган қилмиш, яъни жиноятнинг барча белгилари мавжуд бўлган қилмиш учун жавобгарликни татбиқ этишда вужудга келади. А.Ендольцеванинг таъкидлашича, озод қилиш фақат содир этилган жиноят учун, жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд қилмиш учун жавобгарлик амалга оширилгандагина бўлиши мумкин. Агарда жиноят бўлмаса, жавобгарлик ҳам бўлмайди, демак тегишли равишда ундан озод қилиш ҳам бўлмайди. Шунинг учун қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар туркумига кирган ақли норасолик, зарурий мудофаа, охирги зарурат, белгиланган ёшга тўлмаганлик каби ҳолатлар юридик жавобгарликдан озод қилиш асосларини ташкил этиши мумкин эмас. Улар қилмишнинг жиноийлигини ва жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар ҳисобланади.¹²

М.Рустамбаевнинг фикрича, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар масаласи, умуман бирон-бир қилмиш учун жавобгарликни белгилашда вужудга келмасдан, балки муайян ҳолатлар туфайли уни татбиқ этиш бошқача мазмун касб этадиган аниқ қилмиш содир этилган пайтда вужудга келади.¹³ Жавобгарликни истисно қилиш тушунчасини айрим олимлар жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси билан боғлаб бўлмайдиган тушунча сифатида баҳолайдилар. Бошқа олимлар «озод қилиш асосларини», «ҳолатлар» тушунчаси орқали тушунтириб, ўз ташқи белгилари туфайли ҳуқуқбузарлик бўлиб кўринадиган, лекин ижтимоий фойдалилиги туфайли қонун билан ҳуқуқбузарлик деб тан олинмайдиган қилмишларни мустақил гуруҳга ажратадилар. Шу билан бирга ижтимоий хавфли

¹⁰ Шиндяпина М.Д. Стадии юридической ответственности: Учебное пособие. –М.: Книжный мир, 1998. – С.149.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

¹² Ендольцева А.В. Институт освобождения от уголовной ответственности. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, закон и право, 2004. – с-14-17.

¹³ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. –Т.: Издательство “ТГЮИ”, 2009. -С.445.

қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга нисбатан зарар етказиш ва асосли таваккалчилик бундан мустасно.¹⁴

Мазкур нуқтаи назар, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан бошланадиган юридик жавобгарликдан озод қилишни бошланиши вақтини турлича тушунишга асосланади. Қилмиш содир этиб бўлинганлиги учун, қонун нуқтаи назаридан қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, унга баҳо бериш ҳам юридик жавобгарликка тортиш заруриятини аниқлаш жараёнини ташкил этади. Қонун томонидан жавобгарликдан озод қилиш асослари сифатида тан олинадиган ҳолатлар, «ижтимоий фойдали» деб ҳисобланади. Лекин ушбу белгини барча ҳолатларга, жумладан шахсининг ақли норасолиги ёки қонун билан белгиланган ёшга етмаганлиги кабиларга татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун келтирилган тавсифга «шахс ҳолати» ни ҳам қўшиш муҳим ҳисобланади.

Жавобгарликдан озод қилиш тушунчасига ўхшаш бўлган институтлардан яна бири жазодан озод этишдир. Жазо ҳар доим ҳуқуқий ҳужжат қўлланилганидан сўнг келиб чиққанлиги учун, жазодан озод этиш ҳам фақат у қабул қилинганидан сўнг мумкин бўлади. Масалан, суд томонидан ҳукм чиқарилгунга қадар, жиноий жавобгарликдан озод этишни амалга ошириш мумкин. Шу муносабат билан у фақат жавобгарликни тўхтатиш шакли бўла олади. Ҳуқуқбузарни жазодан озод этиш институти жиноий жавобгарликни қўлланиши билан бошланган вақтдан амалга оширилади.

А.Якубов ва Р.Қобуловларнинг таъкидлашича, жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилиш бир-биридан фарқ қилади. Хусусан жиноий жазодан озод қилиш айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазони ўташини давом эттиришдан давлатнинг воз кечиши тушунилади.¹⁵

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жиноий жазодан тўла озод қилиш ва қисман озод қилиш каби икки тур назарда тутилган. Жиноий жазодан тўла озод қилишда суд айблов ҳукми чиқаради ва жазо белгилаб, уни ижро этмаслик юзасидан қарор қабул қилади. Ушбу гуруҳга жазодан озод қилишнинг жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетганлиги (Жиноят Кодексининг 69-моддаси), шахсининг ижтимоий хавфлилик хусусиятининг йўқолганлиги (Жиноят кодексининг 70-моддаси), айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги (Жиноят кодексининг 71-моддаси) ҳамда шахсга нисбатан шартли жазо белгилаш (Жиноят кодексининг 72-моддаси) турлари киради. Жазодан қисман озод қилишда қилмиш содир этган шахс суд белгиланган жазонинг фақат бир қисмини ўтайди ва унинг ўталмаган қисмидан озод қилинади ёки жазонинг ушбу қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Жазодан озод қилишнинг ушбу турларига муддатидан илгари шартли озод қилиш

¹⁴ Общая теория права и государства: учебник/ Под ред. В.В.Лазарева – 3-е. Изд. – М.: Юрист, 1999. – С. 299.

¹⁵ Жиноят ҳуқуқи. Умумий Дарслик / Якубов А.С., Кабулов Р.ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. –Б.364.

(Жиноят кодексининг 73-моддаси) ва жазони енгилроғи билан алмаштириш (Жиноят кодексининг 74-моддаси).

Шундай қилиб, «жазодан озод этиш» жавобгарликдан озод қилиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг шарт-шароитлари, ҳуқуқбузарнинг шахси ёки қонун билан белгиланган бошқа ҳолатлар оқибатида ҳуқуқбузар шахсга санкцияни қўллашни истисно этадиган ҳолатлар, асосларни белгилайди.

Ҳуқуқ субъектини хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий баҳоси ўзгармаган ҳолда, ҳуқуқбузар ёки унинг қилмишини инсонпарварлик нуқтаи назаридан баҳолашга имкон берадиган ва қонунда белгиланган ҳолатлар пайдо бўлганда, жазодан озод қилиш амалга оширилади. Бунинг ёрқин намунаси – жиноий ҳуқуқда амнистия ва авф этиш институтларидир. Айблаш жавобгарликнинг мажбурий қисми ва давлатнинг таъсир кўрсатиш чораси сифатида ўзгармайди, фақат жазо ўзгаради ҳолос.

Жавобгарликдан озод қилиш ҳар доим жазодан озод қилишни назарда тутати. Бунда қилмишнинг ҳуқуққа хилофлики тавсифи ўзгаради. Айтиш мумкин, жазодан озод қилиш ҳар доим ҳам юридик жавобгарликнинг бошқа чораларидан озод қилишни билдирмайди. Чунки ҳуқуқбузарликнинг таркиби ўзгармасдан қолганлиги сабабли, субъектнинг ҳуқуқ-атвори қораланади. У фақат қонун билан белгиланган ҳолатлар сабабли шахсий, ташкилий ёки мулкӣ шаклдаги маҳрумликларга дучор бўлмайди ҳолос. Юридик жавобгарликдан озод қилиш институтига ўхшаш институтлар ташқи жиҳатдан ўхшасада, лекин улар мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Улар бир-бирини тўлдиради, барчаси биргаликда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқроқ таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жамият ҳаётини барқарорлаштириш самарадорлиги билан ажралиб туради. Профессор В.Н.Кудрявцевнинг фикрича, самарадорлик – бу эришилган натижа, кўзда тутилган оқибатни ташкил этади. Самарадорлик – бирон-бир сабабнинг оқибати, мақсадга йўналтирилган ҳаракатнинг эришган натижаси. Самарали, яъни самара берувчи, лекин ҳар қандай эмас, олдиндан белгилаб қўйилган, фойдали, зарурий натижа олиб келувчи сифатида ифода этилади.

Ҳуқуқнинг амал қилиш самарадорлиги – бу амалдаги қонунчиликнинг ҳуқуқий тартибга солишни турли соҳаларида ҳуқуқий мақсадларига эришиш чораси (даражаси) дир. Амалдаги ҳуқуқнинг самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб, қонунчилик нормаларини татбиқ этиш оқибатлари (яъни уларнинг ҳаракати натижаси) билан мазкур нормаларнинг ҳуқуқий мақсадлари ўртасидаги нисбатдан иборат.¹⁶ В.Нерсисяннинг таъкидлашича, амалдаги ҳуқуқнинг самарадорлиги ижтимоий,

¹⁶ Лапаева В.В. Эффективность закона и методы ее изучения // Эффективность закона. М., 1997. С. 28—44.

иқтисодий, мафкуравий, сиёсий ва ҳуқуқий каби жуда кўп объектив омилларга боғлиқ. Булардан энг муҳимлари бўлиб, амалдаги қонунчиликнинг такомиллашганлиги ва сифат даражаси; унинг жамиятдаги турли гуруҳлар ва уларнинг манфаатларини, талаб ва эҳтиёжларини ифодалаш даражаси; ижтимоий фикрни ифодалаш; фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси; жамиятда, хусусан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботнинг умумий ҳолати ҳисобланади.¹⁷

Жавобгарликдан озод қилиш нормаларининг самарадорлиги қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаб бериши ва бундан кутилган оқибатларни вужудга келтириши, хусусан ҳуқуқий онгнинг шаклланишини ифодалаш, қонунга итоатгўйликнинг шаклланиши, ҳуқуқий давлат принципларига мос келиши зарурдир. Шу билан бирга ушбу эришилган натижалар самарадорликнинг мезони сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Жавобгарликдан озод қилиш соҳасининг самарадорлиги, юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг вужудга келиши ва шаклланиши, барқарор ривожланиши билан белгиланади. Жавобгарликдан озод қилишнинг самарадорлигини тадқиқ қилишда энг аввало сон ва сифат кўрсаткичини ақс эттириш лозим. Жиноят қонунчилигида жавобгарликдан озод қилишни қўллаш самарадорлиги қандайлиги, жавобгарликдан озод қилинган шахсларнинг қайта жиноятга қўл урмаслиги масаласи илмий -тадқиқот объектига айланиши давр талаби ҳисобланади.

Жавобгарликдан озод этиш самарадорлиги тўғрисида ҳулоса чиқариш учун, аввало, ушбу институтни ташкил этган таркибий тузилмаларнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жавобгарликдан озод этиш институтининг таркибий тузилмаларининг барчаси самарали ҳисобланади.

Жумладан, жиноий жавобгарликдан озод этиш тизимида ярашув институти алоҳида эътиборга моликдир. Ярашув каби жавобгарликдан озод этиш механизмнинг яратилиши жиноят қонунчилиги тизимида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Натижада, тергов ва суд органларининг қўлида жиноий ишларнинг тўпланиб қолиши, ишларнинг кўплиги сабабли жиноят ишларини пухта ва сифатли тергов қилиш имкониятининг йўқлиги каби камчиликларга барҳам берилди.

Ҳуқуқшуносликда амнистияни қўллашнинг самарадорлигини таҳлил қилиш зарурияти мавжуд. Маълумки, амнистия акти давлатнинг инсонпарварлик сиёсатининг намоён бўлишидир. Амнистия актига асосан жавобгарликдан озод қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддаси 7-бандида ва Жиноят кодексининг 68-моддасида белгиланган. М.Рустамбаевнинг фикрига кўра, амнистия асосан иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, аёллар, вояга етмаганлар ёки 60 ёшдан катталар ёки муайян турдаги жиноят

¹⁷ Нерсесянц В.С. Общая теория права и государства. Издательская группа НОРМА — ИНФРА-М, Москва, 1999. –С. 478.

(эҳтиётсизлик туфайли, иқтисодий ва ҳ.к.) содир этган фуқароларга нисбатан қўлланилади ва у жиноят ишини тугатиш орқали амалга оширилади.¹⁸

Шуни таъкидлаш лозимки, амнистия эълон қилиниши, ўта муҳим воқеаларни нишонлаш муносабати билан жиноятни содир этган шахсларни кечириш билан юксак инсонпарварлик мақсадини назарда тутди. Ундан ташқари, жиноий жавобгарликни бошдан кечираётган маҳбусларни муддатдан олдин озод қилиш – энг самарали профилактика чораси сифатида озодликдан маҳрум қилиш жойларида амалга оширилади. Амнистия ҳужжати асосида жазони ўтаётган ёки муайян қилмиши учун уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган кўплаб шахсларга тўғри йўлни топиш, ножўя қилмишни бошқа содир этмаслиги учун яна бир бор имконият берилади.

Таҳлил этилаётган институтнинг самарадорлигини қуйидаги мезонлар орқали аниқлаш мумкин, яъни жиноят содир этган шахслар билан жиноятдан жабрланган шахслар манфаатларининг тўқнашуви, амнистия тўғрисида қабул қилинган қарор асосида жавобгарликдан озод этилган шахсларнинг қайтадан ножўя қилмиш содир этишлари даражаси, амнистия қабул қилиниши заруриятининг бутун жамият аъзолари томонидан англаб етишлари ва уларнинг бунга тайёргарлиги, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлганларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг меҳнатга ва янги турмуш шароитларига кўникишда тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг тузалиш даражаси ҳамда шахснинг ижтимоий ва моддий ҳолати даражаси ташкил этади. .

Хулоса

Жавобгарлик жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи муҳим институт ҳисобланади. Унинг ислоҳ қилиниши инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, давлат ва фуқаро ўртасида ишончни кучайтиришга хизмат қилади. Бугунги ислохотлар жавобгарликнинг адолатли, гуманистик ва самарали тизимини яратишга йўналтирилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
4. Karimov, I. *O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li*. – Т., 1992.
5. Rawls, J. *A Theory of Justice*. – Harvard University Press, 1971.
6. Cavigny, F. *Vom Beruf unserer Zeit für Gesetzgebung und Rechtswissenschaft*. – Heidelberg, 1814.

¹⁸ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Тошкент – 2006. –Б. 479.